

Диний идора делегацияси Мисрдаги анжуманда иштирок этди



15:18 / 31.07.2024 1259

Шу йилнинг 29-30 июль кунлари Қоҳира шаҳрида “Шиддат билан ривожланиб бораётган дунёда фатво ва юсак ахлоқни шакллантириш” мавзусидаги халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда 100 дан ортиқ давлатдан келган юқори мартабали давлат ва жамоат арбоблари, етук уламолар, диний етакчилар ва фатво идоралари вакиллари иштирок этди.

Мазкур нуфузли тадбирда Миср муфтийси Шавқий Иброҳим Аллом таклифига биноан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков қатнашди.

Халқаро анжуманда дин уламолари томонидан чиқарилган фатволар кишилар ва жамиятларни тўғри йўлга йўналтириш ва юсак ахлоқни

шакллантиришда муҳим ўрин тутиши, шиддат билан ривожланувчи дунёда ва технологиялар тараққий этиб бораётган даврда фатволар янги чақириқларга мослашиши ҳамда диннинг асосий тамойилларига асосланган бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу анжуманда турли мамлакатлардан келган олим ва соҳа мутахассислари мавзу юзасидан ўз маърузалари билан қатнашиш баробарида ўзаро фикр-мулоҳаза алмашдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати